
Шарқ юлдузи

Ўзбекистон Ёзувчилар
союзининг органи

ОЙЛИК АДАБИЙ-БАДИИЙ,
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖУРНАЛ

47-ЙИЛ ЧИҚИШИ



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ
НАШРИЁТИ

1979 8

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мундарижа

«Рус тили — СССР халқлари дўстлиги ва ҳамкорлиги тили» Бутуниттифоқ илмий-назарий конференциясининг қатнашчиларига **Л. И. БРЕЖНЕВ** хати 3
Ш. Рашидов. Бирлигимиз ва ҳамкорлигимиз тили 4

Ҳ. Саъдулла. Ипак мавсуми. Шеърлар . . 26

С. Анорбоев. Сайли. Роман. 28

О. Матжон. Ҳаққуш қичқириғи. Поэма. . . 66

К. Яшин. Ҳамза. Роман. Давоми . . . 83

ШЕЪРЛАР

Ҳ. Қуронбоев. Ҳайкал қаршисида ўйлаганларим 140
Д. Ҳасан. Соғинч 144
В. Николаева. Илтимос 145

М. Муҳаммаддўст. Чоллардан бири. Қисса . . 146
И. Хўжаҳмад. Муборак. Драматик қисса 178

ПУБЛИЦИСТИКА

М. Нурматов. Ёлғоннинг умри қисқа . . . 209
И. Фозилов. Ватандошлар билан мулоқот . . 214

ҲАМЗА ТУҒИЛГАН КУННИНГ 90 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Ҳ. Абдусаматов. Ҳамза — моҳир сатирик . . 219

АДАБИЙ ПОРТРЕТЛАР

А. Маҳмудов. Замон ва инсон куйчиси . . . 222

ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ

М. Юнусов. Тадқиқотчи ва таржимон . . . 226
Ш. Ҳолмирзаев. Қорақалпоқ халқининг фахри . 229
Уйғун. Болаларнинг севимли ёзувчиси . . . 231
П. Тўраев. Улғайиш йўлида 234

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

И. Ғафуров. Кунларнинг таранг торлари . . . 236

www.ziyouz.com kutubxonasi



ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

КУНЛАРНИНГ ТАРАНГ ТОРЛАРИ

1978 ЙИЛ ШЕЪРИЯТИ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Эйнштейн жаҳон ва коинот иморатининг қандай қурилганлигини бутунлай ва тўла-тўкис тушунтириб берадиган битта универсал қонун топишни орзу қилганди. Мен бир адабий танқидчи сифатида шеъриятга шундай универсал, яъни унинг барча сирларини, барча гўзалликларини тушунтириб, англатиб берадиган, таъриф топишни орзу қиламан. Шеъриятга жуда кўп, жуда турфа таърифлар айтилган. Лекин шеър Аристотелдай доно ақл эгаларининг ҳам таърифларига сиғмагани, бўйсунмагани маълум. Энг зўр таърифлар ҳам шеърнинг бутун сир-синоатини, таъсир доирасини, таъсир усулларини, таъсир ҳолатларини қамрай олмайди, тушунтириб беролмайди. Таърифлар унинг умумий белгиларинигина кўрсатади ва қайд қилади. Шеър инсон психологияси, инсон кечинмалари дунёсининг энг нозик тебранишлари, энг нозик ҳолатлари билан боғлиқ бўлганидан у ҳеч қачон таърифлар ичига сиғмайди ва доим таърифлардан ошиб-тошиб ётади. Таърифларга нисбатан бунчалар қайсар, бунчалар кож ҳодиса кам бўлса керак.

Лекин мана Навоий: «Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади», дейди ва дарҳол бизни бир олам кечинмалар ичига олиб кириб кетади. Аввал сатр нимаси билан бизни сеҳрлаётганлигини англамаймиз. У бизни ўзининг олий оҳангли мусиқаси ичига олиб кириб кетади ва ром қилиб қўяди. Сўнг биз таҳлил қила бошлаймиз ва Навоий кўп ошиқларни ўртаган, уларнинг бошидан ўтган, ошиқларнинг дардига айланган бир ҳодиса ҳақида куйлаётганлигини қайд этамиз. Сўнг бу сатрда ҳаётнинг қарама-қаршилиги ифодаланаётганлигини сезамиз. Ёр ваъдасида турмади ва бутун ўтли туғёнлар шундан бошланади. «Мен сизни севардим, севгим эҳтимол юрагимда сўнмаган ҳали...» дейди Пушкин. Оддий сеҳрли гап. Лекин бу гапни унинг улуғ мусиқасидан ташқари шу сўзлар ичига яширинган инсоний қарама-қаршилик сеҳрли қилиб турибди. Бу ўтган гўзал севгининг сўлим ва беҳад маъюс хотираси. Севардим. Севги ўтган. Лекин унинг ширин азобли хотираси қолган. Шоир шу хотирадан ўлмасликнинг жозибадор ҳайкалини тиклайди. «Новдаларни безаб ғунчалар тонгда айтди ҳаёт отини ва шаббода қурғур илк саҳар олиб кетди гулнинг тотини», дейди Ҳамид Олимжоннинг сеҳрли шеъри. Шу сўзларнинг тагида яна ўша қарама-қаршилик ётганлигини кўрамиз. Ғунчанинг тоти тараладиган илк дақиқани илғаш — дунёнинг сирини англаш билан баравар бўлар эди. Лекин инсон буни нечоғлик истамасин, сира улгуролмайди. Табиат ўз сирларини яширади, ошкор қилгиси келмайди ва гўзаллик яраладиган азалий дамларнинг тотини шамол олиб кетади. Армон. Инсонга армон. Шоир учун бу армон ичида жуда чуқур инсоний қарама-қаршилик яширингандир. «Сенинг камолингу менинг заволим тун билан тонг», деб куйлайди устоз Ғафур Ғуломнинг оташин ғазали. Ёки «Зўр карвон йўлида етим бўтадек интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш», деб ёзади шоир. Интизор ва бунинг устига етим бўтанинг кўз ёшлари шундай кўз ўнгингизда гавдаланиб турган бу сатрлар ҳам қарама-қаршиликдан туғилгандир.

Карвон йўли зўр, ундан одимлагувчи бўта эса етим ва интизор, кўзлари ёшлик. Мен бу гапларни шеър қарама-қаршиликлар ичидан ўсиб етилади ва қарама-қаршиликлар ичида камолга эришади деган фикрни илгари суриш учун келтиряпман.

Гўзаллик хунукликка қиёсан англанади ва шу нарса қарама-қаршиликлар асосини ташкил қилади. Шеъриятда эса қарама-қаршиликлар уйғунлик ва сирлиликнинг онаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам шеър ичида шодлик ва азоб, дард ва ғазаб, кулги ва йиғи, қайғу ва хурсандлик, ҳақиқат ва армон, туғён ва назокат, ишонч ва ишончсизлик, ҳасрат ва масаррат доимо ёнма-ён бўлади. Улар бир-биридан зўрлаб ажратилган ерда шеърият теп-текис бўлиб қолади. Шеърнинг табиати тухумдай текис ва силлиқ ва фақат оқ-сариқдан иборат бўлмоқликни ёқтирмайди ва ўзига сиғдирмайди.

Қарама-қаршилик туйғуси кучли бўлган ижодкор шоирларда мана шу боисдан эски гаплар янги бўлиб туюлади, янгиликлар эса кашфиёт каби таърифланади.

Ўзи ҳам, ҳаёти ҳам, руҳий дунёси ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

зўр шоирона ва инсоний қарама-қаршиликлар ва фожиалар билан тўлиқ бўлган Гоголь назаримда шеъриятга энг улуғ ва энг ҳақиқатга яқин таъриф берган кишилардандир. «Лирик поэзия шоир қалбининг махсус олий интилишларининг ойнаси ва аксидир, шоирнинг қиёфасидир, унинг энг зарур қайдларидир, ҳаяжонларининг таржимаий ҳолидир» (его самонужнейшие заметки,биография его восторгновений.)

Мевани ўйлаймиз дилларда минг-минг
Ҳушбўй капалаклар қурганда маскан.
Биз висол кутамиз гоҳ ёлғизликнинг
Дардчил лаззатини қадрламасдан.
Куннинг чала-чатти қуроқларини
Йиғиб эртагача учмоққа шаймиз.
Доимо календарь япроқларининг
Хазонрезгисида яшаймиз.

Бу Асқад Мухторнинг шеъридан. Қарама-қарши туйғуларнинг кураши ловуллаб туради бу шеърда. У инсон умрининг бебаҳо лаҳзаларини қадрлашга, яхшилик, инсонийлик учун курашишга чақиради.

Ўтиб кетди. Ўтиб кетди лаҳза.
Ўтиб кетди, мен қараб қолдим.
На ҳаяжон менда, на оламда ларза,
Нега аччиқ фарёд чекмайди қалбим?—

деб нидо қилади. Ўтиб кетаётган лаҳзаларнинг қадрини фалсафага мойил қалб билан кузатган ва бунинг сирини англашга уринган шоир. Асқад Мухтор инсоний ва ҳаётий зиддиятларни қаламга олади ва қалбга доир зиддиятларни жуда кучли қилиб ифодалаб беради. Шунинг учун ҳам унинг: «Сизга айтар сўзим» деб аталган китобига кирган шеърлари ўз ҳаяжонли даврасига, шу давранинг иқлимига тортади. Шоир ўз замондошлари билан қайси тилда, қандай баҳс қилишни билади. Унинг замондошларига айтар гапи ҳам кўп. Асқад Мухтор шеърларида унинг ҳаяжонлари биографияси яққол кўриниб туради.

Ўтган йилнинг нодир китобларидан бири Ўзбекистон халқ шоири Миртемирнинг «Ёдгорлик» деб аталган тўплами. Миртемир ўзининг бу сўнгги китобини туза туриб, унинг биринчи саҳифасини «Шеърларимда жилва қилсин замона Юртим мадҳи бўлсин сўнгги сатрим ҳам...» деган сатрлар билан очади.

Умр бўйи эл-юрт олдидаги буюк инсоний фарзандлик қарзини, совет замонида шоир бўлмоқ масъулиятини бир дақиқа бўлсин унутмаган оқсоқол шоир Миртемирнинг «Ёдгорлик» китоби юракларда армонли тўлқинлар уйғотади. Миртемирнинг сўнгги шеърларини ўқирканмиз, унинг шеъриятнинг тақдири шу элнинг тақдирига қанчалар туташиб кетганлигини ва улар шу элнинг япроғини кўкартириб турадиган илдизига соғлом бақувват бир илдиз бўлиб қўшилганлигини сезамиз.

1978 йилнинг шеърий китоблари ичида хассос шоир Шукруллонинг «Яшагим келади» деб аталган тўплами ўзига хос руҳи билан ажралиб туради. Бу китоб шоирга безовта изланишлар руҳи ҳамроҳ бўлаётганлигини, шоир ўзи ва замондоши учун жуда муҳим бўлган ҳаётий ҳақиқатларни қидираётганлигини кўрсатади. Шукрулло ўз изланишларида жуда самимий. Унинг изланишлари қарама-қаршиликлар ичида кечаётгани сатрларнинг оромсизлигидан билинади. Бу шоирда қарама-қаршилик туйғуси жуда ривожланган. Шунинг учун ҳам у шеърнинг бошланишидаёқ бизни ўзига эргаштиради. Менга шаҳсан Шукруллонинг шеърни бошлаши ва тугаллаши жуда ёқади. Шукрулло шеърни жумбоқ билан бошлайди ва албатта ўртага бир муаммони ташлайди. «Бугун эрталабдан хомушроқ турдим», деб бошлайди бир шеърини шоир. «Қачон тамом бўлади дунёда иғво?», деб бошланади иккинчи шеъри. «Дўстим, бу дунёни ўткинчи дема», деб учинчи бир шеърини ўртага ташлайди. Шукрулло шундай ўзини ўртаган масалаларини одамларнинг ҳукмига ташлайди ва бу масалалар учун олижаноб бир ечим топишга уринади. Унинг шоирлигида шу интилиш қимматлидир.

Ўтган йилги шеърий китоблар ичида Эркин Воҳидовнинг «Тирик сайёралар» деб аталган янги китоби алоҳида мавқе ва аҳамиятга эгадир.

Фазоларнинг қай бурчагига
Фикри билан етадир инсон,
Аммо не бор ўз юрагида
Билмай ўтиб кетадир инсон.
У яшайди тилсимлар аро
Ҳар кашфиёт янги маррадир.
Унинг ўзи сирли бир дунё
Дунё эса фақат зарradир.
Деразамдан тушган тола нур,
Сомон йўли каби товланур...

Эркин Воҳидовнинг бу китоби шоирнинг инсонга қарашлари ғоятда теранлашганлигини кўрсатади. Бу ўринда шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Жуманиёз Жабборов, Барот Бойқобилов сингари шоирлар анъанавий йўлларда шеър яратадилар. Улар ижодида Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Шайхзода, Зулфия сингари шоирларнинг изидан боришга майл сезилади. Улар ижодида поэзиямизнинг шарафи бўлган анъаналар зўр муваффақият билан давом эттирилмоқда. Улар анъаналар заминида мустаҳкам турганларидан ижодларида янгиликнинг овози тобора кучлироқ жаранглamoқда. Улар анъаналарга янгилик олиб кирмоқдалар. Эркин Воҳидовнинг янги китобида мен шоир ижодида маяковскийча оҳанглар баралла жаранглаганлигини кўрдим. Эркин Воҳидовнинг «Бонг уринг», «Темиртан даҳолар», «Бизлар ишлаяпмиз», «Шеъриятнинг қизил карвони», «Сен менга тегма» сингари шеърлари маяковскийча теран мазмундорлик, гражданлик пафоси билан ёзилгандир. Шоир катта инсоний мавқедаги туйғулар билан ишлаётганлиги ҳаммамизни қувонтиради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Биз Абдулла Орипов лирикаси шиддати ва майинлиги, кўтаринкилиги ва нафислиги, туғёнли руҳи ва ҳабибона сокинлиги, фикрчанлиги ва Абдулла мени кечиринг, андак, андаккина сўфиёналиги билан шеърият қилиши керак бўлган ишни қилаётганлигини биламиз. Абдулла ўз шеърларида Ўзбекистоннинг гўзал ва жозибадор образини яратди. Унинг бултур чиққан «Юзмаюз» деб аталган танланган лирика китоби шоирнинг авжи балоғат ва етуклик палласига кирганлигини кўрсатди. Одамни севиш керак. Одамга буюк муҳаббати бўлмаган шоир халқ олдига чиқолмайди. Одамни севганда, унга бор ҳақиқатни айтмоқ, ҳақиқат юзига тик қарамоқ, жасоратига эга бўлмоқ керак. Ҳақиқатгўй бўла билмаган шеърият ўз бурчи ҳамда вазифасини ўтолмайди. Абдулланинг лирикасини ўқиганда мана шундай ғоялар унинг шеърини ичдан ёритиб, мунаввар қилиб турганлигини кўрамиз.

Инқилоб ижодчиси Ленин 1920 йилда «Маънавийлик инсоният жамиятининг юқори кўтарилиши учун хизмат қилади», деган эди. Бизнинг шеъриятимиз инсон маънавий гўзаллигини куйлайдиган, шу гўзалликка хизмат қиладиган шеърият. Жуманиёз Жабборовнинг «Эътиқод», Барот Бойқобиловнинг «Висол ва ҳижрон», Гулчеҳра Нуруллаеванинг «Бағишлов», Эътибор Охунованинг «Биллур қатралар», Азиз Абдураззоқнинг «Қалб нури», Нормурод Нарзуллаевнинг «Лаҳза ва ларза», Олимжон Холдорнинг «Субҳидам қўшиқлари», Сайёрнинг «Мусаффо фасл», Ойдин Ҳожиеванинг «Тароват» сингари иқтидор ва тажрибалари бир-бирларига сира ўхшамаган шоирларнинг шеърлари инсонни мўътабар ва шарафли қилган нарсаларни улуғлашга қаратилганлигини яққол сезиш мумкин. Улар кўпроқ бахтли муҳаббат ҳақида куйлайдилар, она юрт завқларини шеърга соладилар, бахтиёр, эркин, меҳнат қилиш, меҳнатда шараф ва самарага эришиш бахти муяссар бўлганидан қувонадилар. Улар шеърларида етакчи бир туйғу — миннатдорчилик ва шукроналик туйғуси равшан ифодаланади ва худди мана шу нарса улар ижодининг публицистик ва гражданлик қимматини белгилайди.

Шеъриятда шовқин-суронсиз, ортиқча жар солмасдан, ортиқча тилга тушмасдан ишлаётган, лекин анча самарали изланаётган бир қанча шоирлар бор. Мен Машраб Бобоев, Маъруф Жалил, Омон Мухтор, Абдулла Шер, Сулаймон Раҳмон, Муҳаммадали Қўшмоқов, Раззоқ Абдурашид, Рауф Парфи сингари шоирларни назарда тутаман. Булар жуда изланувчан ёшлар. Улар эксперимент қилишдан чўчимайдилар. Улар сўзни ифодали қилиш, шеърнинг мусиқавийлиги, шаклий янгиликлар устида анча сабот билан иш олиб бормоқдалар. Уларнинг шеърий изланишлари шеъриятимизнинг манзарасини ва жараёнларини жуда бойитиб, жозибадор қилиб турибди. Албатта, уларнинг ижодида жиддий баҳсталаб томонлар ҳам йўқ эмас. Уларнинг шеърлари баъзан гул эмас, гулдан узиб олинган япроққа ўхшайди, бу япроққа қараб гулни тасаввур қилиш мумкин, лекин ҳиди қандайлигини, тароватини ҳис қилиш қийин. Баъзан сюрреалистик шеъриятга тақлидлар учрайди. Лекин сюрреалистик йўл жуда катта билимни, маданиятни, истеъдодни талаб қилади. Бунда дид ва мусиқий иқтидор жуда ҳам юксак савияда бўлмоғи даркор. Тагор, Брехт, Лорка, Ахматова даҳоси яратган асарларни ўқиганда уларнинг беҳад нозик диди сўзни буюк бир чўққига олиб чиққанлигини биламиз. Шу чўққидан бадиий таъсирчанликка эришишнинг поёнсиз йўллари бошланади. Бизнинг ҳозирги ёшларимиз ва айниқса, кеча-бугун адабиётга кириб келаётганлар, мана шу шоирларни севадилар ва уларга эргашадилар. Лекин уларга эргашиш учун яна қайтараман, зўр ва мунтазам ҳаракат зарур. Бўлмаса, дидсиз тақлидлар ҳеч ким тушунмайдиган жингалак сўзбозликка айланиб кетиши ҳеч гап эмас. Кейинги йиллар ичида Усмон Азим, Муҳтарама Улуғова, Қутлибека Раҳимбоева, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Солиҳ, Азим Суюн, Исмоил Маҳмуд, Ҳуршид Даврон, Амирқул Пўлкан, Шукур Қурбон, Мақсуда Эгамбердиева, Садриддин Салимов, Бахшулло Ражабов, Муҳсина Бобоева, Акрам Мирзо, Шарифа Салимова, Назира Йўлдошева, Ҳабиб Раҳмат, Ёдгор Обидов сингари ёшлар умид билан қалам тебратмоқдалар, шеър айтмоқдалар. Бертольд Брехт мўрт нарсалар ҳам чиройли бўлиши мумкин, лекин, синиши осон, деб айтган экан. Бу ёшларнинг суяги ҳали тўла қотмаган ва тархи ҳали бутунлай шаклланиб ўзини намоён қилиб улгурмаган шеърлари ҳақида қатъий фикр юритиш, ҳукм чиқариш қийин. Лекин изланишлар кенг бир жабҳада боряпти ва бу изланишлар кетма-кет чиқиб турган биринчи китобларда, альманахларда, баёзларда, журналнинг ёшларга бағишланган махсус сонларида ўз ифодасини топмоқда. Форобий айтган экан, соддалик бор ерда камолот бор деб. Мен сўзга қобилиятли барча ёшларга шундай соддалик ва шундай камолот йўлини тилайман. Маршак «Дўстларимга тилакларим» шеърида: «Ақлингиз меҳрли бўлсин, юрагингиз ақлли бўлсин», деган экан. Бу гапни олдинда ҳали ўрганадиган илми, очадиган қўриқлари, оладиган чўққилари бус-бутун ва мутлақо тегилмаган, бокира ҳолда турган ёшларга тилак сифатида ҳам айтиш мумкин. Ақлли юрак ва меҳрли ақл билан шеъриятнинг эшигини очиш, даргоҳга кириш ва унда ҳалол, пок ишлаш мумкин.

Замона ҳамда вақтнинг мана шу, яъни айни мана шу бир бўлагида одамларнинг руҳий, маънавий дунёси қандай эканлигини шеъриятдан қараб билса бўлади. Башарти шундай экан, шеърият ўзи бажариши керак бўлган маънавий юмушларни адо этаётгани равшан. У қалбларнинг тилмочи бўлмоқда. Тафаккур қадамларини ва ҳиссиёт тўлқинларини илғаб олишга интилмоқда.

Ўзбек шеъриятига келсак, бу жиҳатдан ҳамма юлдузлар осмонда ва ҳамма юлдуз-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар нур сочиб турибди. Фақат бор юлдузларнинг нури бизга етиб келганлигига ва кўзларимизни қувонтириб нурли қилганига анча бўлди, янги туғилаётган юлдузларнинг нури эса ҳали йўлда, улар бизгача ҳаётбахш нурга айланиб етиб келади деган умид билан яшаймиз.

Икки оғиз сўз бултурги йилнинг достонлари ҳақида. Бултур Рамз Бобожоннинг «Ҳайёмнома», Туроб Тўланинг «Трамвайда топилган дафтар», Эътибор Охунованинг «Турсуной», Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл», Нормурод Нарзуллаевнинг «Ер — менинг планетам», Шукруллонинг «Кўнгил чироғи», Ашурали Аҳмедовнинг «Буюк муҳожир», Ҳабиб Саъдулланинг «Онайизор», Зоҳиджон Обидовнинг «Қоядаги қурбон» сингари достонлари эълон қилинди. Бу достонлар мавзуларининг актуаллиги, публицистик ҳаяжонли пафоси, ҳаётнинг жиддий қатламларини кўтариб чиқишга интилишлари билан қимматлидирлар. Айниқса, «Ҳайёмнома», «Жаннатга йўл» сингари достонлар инсон эрки, виждон ва диёнат сингари ҳаёт ва адабиётнинг кун тартибидан ҳеч қачон тушмайдиган масалаларни тадқиқ қиладилар ва достон ҳақида баҳслар олиб бориш майдонини ҳийла кенгайтирадилар.

Лекин, адолат юзасидан, бу ерда шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, кейинги йилларда яратилаётган ва босилиб чиқаётган достонларда ҳаётий ва инсоний теранлик, реалистик тадқиқот, лирик таъсирчанлик етишмай қолаяпти. Сюжетлар жуда бўш ишланяпти. Баъзи достонларда уларнинг сюжет ва композиция қирғоғини ҳатто аниқлаб олиш ҳам мушкуллашиб кетяпти. Кучли, одамларнинг эътиборини жалб қиладиган ҳаётий концепциялар ўртага ташланяпти. Баъзи достонлар маълум ва ғоятда зерикарли гапларнинг йиғиндиси бўлиб қолмоқда. Ҳаётий материални шоирона ва санъаткорона идрок этиш ва бадиий тадқиқ этиш заифлашгани сезилиб қолмоқда. Достон — жуда кўтаринки, юксак фалсафий, лирик тўлқинларга дахлдор жанр. У юрак ва ақлнинг катта инсоний тебранишларини талаб қилади. Бу жиҳатдан биз достончилик компасини ҳаётбахш анъаналарга, бой классикага қараб буришимиз зарур. Ҳозирги кунда бу нарса қанчалик муҳимлиги тобора очиқ маълум бўлмоқда. Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун», Пушкиннинг «Мис чавондоз», Твардовскийнинг «Василий Теркин», Ғафур Ғуломнинг «Кўкан», Ойбекнинг «Ўч», «Бахтигул ва Соғиндиқ», Ҳамид Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон», Мирмуҳсиннинг «Уста Ғиёс» сингари ҳар жиҳатдан юксак бўлган достон намуналари доимо ўз олий тажрибалари билан кўз ўнгимизда туриши керак. Шундагина биз достоннинг кечаги баланд мавқеини тиклаймиз ва шуҳратини оширамиз.

Иброҳим ҒАФУРОВ.

www.ziyouz.com kutubxonasi